

ХУҚУҚ ТИЗИМИДА ЖАЗО ТУШУНЧАСИ: ТАРИХИЙ ҚАРАШЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Иззатулло Толибов

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг
“Жиноят ҳуқуқи” кафедраси доценти, юридик фанлар доктори*

Аннотация: ушбу мақолада жиноят ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бири бўлган жазо тушунчаси ва унинг турлари ҳуқуқий, назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинади. Муаллиф жазо тушунчасининг тарихий эволюциясига, хусусан, ислом ҳуқуқи ва Бурҳониддин Марғиноний асарларидаги талқинига тўхталиб ўтади. Шунингдек, бугунги миллий қонунчиликда белгиланган жазо тайинлашнинг умумий асослари, айбдорнинг шахси ва ижтимоий адолат мезонлари атрофлича ёритилган. Суд амалиётидаги тизимли муаммолар — жазонинг мутаносиблиги, озодликдан маҳрум қилишга "боғланиб қолиш" ҳамда коррупция хавфи каби масалалар таҳлилий ўрганилиб, соҳани либераллаштириш ва рақамлаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: жазо, жиноят ҳуқуқи, жазо тайинлаш, ижтимоий адолат, айбдорнинг шахси, либераллаштириш, рақамлаштириш, “Ақлли суд”, мутаносиблик принципи, пробация, декриминаллаштириш.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланган замонавий демократик жамиятда жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг энг долзарб масаласи – адолатли жазо тизимини шакллантириш бўлиб ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади жазонинг шафқатсизлигини эмас, балки унинг муқаррарлиги ва тарбиявий таъсирини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиз бўлиб, унинг “ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас”¹.

Жазо тайинлаш – бу шунчаки қонун моддасини содир этилган қилмишга татбиқ этиш эмас, балки давлат номидан инсон тақдирига оид чиқариладиган энг масъулиятли ҳуқуқий ҳулосадир.

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://constitution.uz/uz/clause/index>

Узоқ тарихга назар ташласак, ислом ҳуқуқи манбаларида ҳам жазо масаласига ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан юксак талаблар қўйилганини кўрамиз.

Халқимизнинг маънавий ҳаёти ва миллий кадриятларига чамбарчас боғланиб кетган ислом ҳуқуқида (фиқҳда) жиноят ва жазо тушунчаларига эътибор қаратиш билан жазо тушунчасининг моҳиятини чуқур ва кенг тушуниш имкони ортади.

Бу борада буюк ватандошимиз, фиқҳшунос аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг дунёга машҳур “Ал-Ҳидоя” асарида жиноят ва жазо тушунчасига аниқ таъриф берилган. Унга кўра, жиноят деганда – шахсга ва мулкка қарши қаратилган, шариат қонунлари билан тақиқланган ҳамда жавобгарлик белгиланган қилмиш тушунилади.

Шунингдек, ислом ҳуқуқида муҳим манба ҳисобланган “Мухтасар” асарида қайд этилишича, “жиноят” сўзи луғатда “гуноҳ” ва “хато” маъноларини билдирса, шариат истилоҳида (атамаси сифатида) – инсоннинг жони, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказиш, ҳуқуқбузарлик содир этиш маъноларини англатади.

Бу манбаларда жиноят ва жазонинг ўзаро боғлиқлиги ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлар асосида ёритиб берилган бўлиб, уларнинг мақсади жамиятда адолатни қарор топтириш ва шахсни ёмон йўлдан қайтаришдан иборатдир.²

Ислом ҳуқуқида жазо тизими фақатгина қонунбузарлик учун бериладиган жавоб эмас, балки жамиятнинг маънавий соғломлигини сақловчи муҳим механизмдир. Ушбу тизимнинг негизида “мақосид аш-шариат” (шариат мақсадлари) ётади. Унга кўра, ҳар қандай жазо чораси бешта асосий кадриятни – дин, жон, ақл, насл ва мулкни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши шарт.³

Ислом ҳуқуқида жазонинг қаттиқлиги уни қўллашдан кўра, кўпроқ “қўрқитиш ва қайтариш” (зажр) вазифасини бажаради. Масалан, тарихда ҳадд жазоларининг қўлланилиш амалиёти жуда кам кузатилган. Бунинг сабаби – жиноятни исботлаш учун қўйилган талабларнинг ўта юқорилиги ва озгина шубҳа туғилганда жазонинг бекор қилинишидир⁴. Бу эса давлатнинг мақсади жазолаш эмас, балки жамиятда жиноят содир этилишига йўл қўймаслик эканини англатади.

Ислом ҳуқуқ тизимининг энг ўзига хос жиҳати – қисос (тенг жазо) ва дия (моддий товон) ўртасидаги танлов ҳуқуқининг жабрланувчига берилишидир. Бу тизим қасд олиш инстинктини жиловлаб, ўрнига кечиримлилик ва ижтимоий келишувни таклиф этади.

² <https://arxiv.uz/ru/documents/referatlar/huquqshunoslik/islom-huquqida-jinoyat-va-jazo>

³ Мансур А. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: ТИУ, 2004. (Ижтимоий адолат оятлари тафсири).

⁴ Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя. 2-жилд. Жазолар китоби. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 185.

Агар ким (айбдорни) афв этса ва ислоҳ қилса, унинг мукофоти Аллоҳнинг зиммасидадир”.⁵ Ушбу тамойил жамиятда адоват занжирини узиш ва одамлар ўртасида меҳр-оқибат воситаларини кучайтиришга хизмат қилади.

Ислом ҳуқуқининг ҳаётийлиги унинг таъзир жазолари тизимида яққол намоён бўлади. Бу ерда жазо тури ва миқдори муайян даврнинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Агар бир даврда танбеҳ бериш етарли бўлса, бошқа бир шароитда жарима ёки озодликдан маҳрум қилиш самарали бўлиши мумкин. Бу эса ҳуқуқ тизимининг қотиб қолган қоидалар мажмуаси эмас, балки доимий ривожланишдаги тирик механизм эканини тасдиқлайди.⁶

Кейинги даврлардаги жазо тушунчасининг келиб чиқишини шартли равишда бир нечта тарихий босқичларга бўлиш мумкин:

қонли ўч даври: давлатлар тузилиб унинг қонун-қоидалари ишлаб чиқулгунга қадар бўлган даврда жазо жабрланувчи ёки унинг уруғи томонидан амалга ошириладиган шахсий ўч олиш характериға эға бўлган.

талион тамойили: қадимги дунёнинг илк ёзма қонунларида (масалан, Хаммурапи қонунлари) жазонинг чегараси “кўзға кўз, тишға тиш” тамойили асосида белгиланган.⁷ Бу босқичда жазонинг мақсади етказилган зарарға айнан тенг жавоб қайтариш бўлган.

Гуманизм даври: XVIII асрда яшаган машҳур ҳуқуқшунос Чезаре Беккария ўзининг “Жиноятлар ва жазолар тўғрисида”ги асари билан жазо тизимида инқилоб қилади. У жазонинг мақсади қийноқ эмас, балки янги жиноятларнинг олдини олиш”⁸ эканлигини тўғрисидаги ғояни илғари суради.

Демак, юқоридаги фикр-мулоҳазалардан, илмий-назарий таҳлиллардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, жазо тушунчасининг тарихий эволюцияси, яъни ривожланиш жараёнлари ибтидоий “инстинктив қасд олиш” босқичидан замонавий “онгли ҳуқуқий тарбия” концепцияси сари мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтган. Агар илғари жазо фақатгина етказилган зарарға нисбатан жисмоний жавоб қайтариш воситаси бўлган бўлса, бугунги кунға келиб унинг мазмуни жазоға тортилган шахсни ислоҳ қилиш ва уни жамиятға қайтаришға қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда миллий қонунчилигимизда жазони индивидуаллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларини кучайтириш устувор вазифа этиб белгиланган. Хусусан, Жиноят кодексининг 42-моддаси биринчи қисмиға мувофиқ: жазо

⁵ Қуръони Карим. *Шўро сураси, 40-оят*. (Афв ва ислоҳ тамойили).

⁶ Зухайлий В. *Ал-Фикҳул исламий ва адиллатуху. 6-жилд (Жазолар)*. – Дамашқ: Дорул фикр, 1997. – Б. 240.

⁷ The Code of Hammurabi. *Translation by L.W. King*. – Oxford University Press, 1915. (Талион тамойилининг тарихий асослари).

⁸ Beccaria, C. *On Crimes and Punishments*. – Italy, 1764. (Жиноят ҳуқуқида гуманизм асослари).

жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурият чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.⁹

Қонун, ҳуқуқ ва жазо билан боғлиқ қарашлар такомиллашган бугунги замонавий дунёда, миллий қонунчилигимизда жазо тизимининг изчиллик билан инсонпарварлашуви – жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият юксалаётганининг яққол далолат беради. Ушбу муҳим жараёнда жазонинг шафқатсизлиги эмас, балки унинг адолатлилиги ва тайинланган қоранинг маҳкумни ахлоқан тузатишдаги самарадорлиги устувор вазифага айланмоқда.

Хусусан, ҳозирги ҳуқуқий концепция нуқтаи назаридан жазо тизими иккита асосий гуруҳга ажратилади:

асосий жазолар – жарима, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш ва бошқалар.

Қўшимча жазолар: асосий жазога қўшимча равишда, жазонинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида қўлланилади (масалан, ҳарбий унвонлардан маҳрум қилиш).¹⁰

Энди бевосита миллий қонунчилигимизда жазо қораларига оид белгиланган нормаларга тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Жазо тушунчаси, мақсадлари ва турлари” деб номланган Х бобда жазонинг мазмун-моҳиятини очиқ берувчи муҳим қоидалар қайд этилган.

Мазкур боб нормалари жазо тизимининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилади. Унда нафақат жазонинг ҳуқуқий таърифи, балки давлат томонидан мажбурият чорасини қўллашдан кўзланган ижтимоий ва тарбиявий мақсадлар ҳамда судлар томонидан тайинланиши мумкин бўлган жазо турларининг қатъий рўйхати белгилаб қўйилган.

Хусусан, Жиноят кодексининг 43-моддасида жазолар тизими аниқ иерархик тартибда белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- жарима;
- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- мажбурий жамоат ишлари;
- ахлоқ тузатиш ишлари;

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – <https://www.lex.uz/acts/111453>

¹⁰ Рустамбаев М.Х. *Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 2-том: Жазо тўғрисидаги таълимот.* – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – Б. 88.

хизмат бўйича чеклаш;
 озодликни чеклаш;
 интизомий қисмга жўнатиш;
 озодликдан маҳрум қилиш;
 умрбод озодликдан маҳрум қилиш¹¹.

Шу билан бирга, қонунчиликда жазоларнинг қўлланилиш хусусиятига кўра ўзига хос қоидалар мавжуд. Жумладан, маҳкумларга асосий жазолардан ташқари, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги кўшимча жазо ҳам тайинланиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар махсус субъектлар – фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Бундан ташқари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра универсал характерга эга бўлиб, у нафақат асосий жазо сифатида, балки асосий жазони тўлдирувчи кўшимча жазо тариқасида ҳам тайинланиши мумкин.¹²

Назарий асослардан бевосита амалиётга ўтадиган бўлсак, жазони қўллаш жараёни – жиноят ҳуқуқининг энг мураккаб ва зиддиятли босқичларидан бири ҳисобланади. Бугунги кун суд амалиётида дуч келинаётган энг долзарб муаммолардан бири – тайинланаётган жазонинг содир этилган қилмиш оғирлигига нақадар мутаносиб эканлиги масаласидир.

Айниқса, айбдорнинг шахсини ўрганиш босқичида жиддий оқсоқликлар кўзга ташланади. Кўп ҳолларда судланувчининг оилавий шароити, унинг психологик ҳолати ва энг муҳими – уни жиноят содир этишга мажбур қилган асл сабаблар чуқур таҳлил қилинмайди. Суд мажлисларида шахсга бериладиган таъриф кўпинча фақат расмий маълумотномалар ва қуруқ қоғоздаги тавсифномалар асосида баҳоланиши билан чекланиб қолинмоқда. Бундай ёндашув натижасида тайинланган жазо ўзининг асосий вазифаси бўлган тарбиявий кучини йўқотади. Шахснинг ички дунёси ва ижтимоий аҳволи инобатга олинмай чиқарилган ҳукм нафақат маҳкумни ахлоқан тузатишга хизмат қилмайди, балки жамиятда адолат мезонларига нисбатан шубҳа уйғонишига ҳам замин яратади.

Яна бир муаммо – суд-ҳуқуқ тизимида ҳамон шахсни озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг асосий ва “самарали” таъсир чораси деб билиш инстинктининг сақланиб қолаётганидир.

Жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари каби жазоларнинг ижроси устидан назорат тизими бўшлиги боис, судлар кўпинча шахсни жамиятдан ажратишни энг “хавфсиз” ва осон йўл деб ҳисоблашмоқда. Бироқ, бундай ёндашув

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – <https://www.lex.uz/acts/111453>

¹² Ўша манба.

ресоциализация, яъни маҳкумни жамиятга қайта мослаштириш масаласида тескари натижа бермоқда. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўп ҳолларда инсонни тузатиш ўрнига, унинг жиноий муҳитга янада чуқурроқ мослашиб қолишига, ижтимоий алоқаларининг узилишига ва жамиятдан бутунлай бегоналашишига сабаб бўлмоқда. Натижада, жазо ўзининг олдини олиш функциясини йўқотиб, шахснинг қайта жиноят йўлига кириши учун замин яратмоқда.¹³

Бундан ташқари суд амалиётидаги энг нозик ва баҳсли масалалардан бири — бу жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни баҳолашдаги субъектив ёндашувдир. Жиноят кодексининг 55 ва 56-моддаларида ушбу ҳолатлар аниқ санаб ўтилган бўлса-да, уларни ҳаётга татбиқ этишда ҳамон бирёқламалик кузатилмоқда.

Айниқса, етказилган моддий зарарни қоплаш масаласи ижтимоий адолат нуқтаи назаридан жиддий саволларни келтириб чиқармоқда. Тўғри, зарарнинг қопланиши жазони енгиллаштирувчи асосий омил, бироқ бу “имтиёз” амалда фақат моддий имконияти бор шахслар учунгина ишлаётгандек таассурот уйғотади. Кам таъминланган ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож айбдорлар учун зарарни тўлиқ қоплаш имконияти чекланганлиги боис, улар нисбатан оғирроқ жазога маҳкум бўлишмоқда. Бу эса жамиятда билвосита “бойлар учун енгилроқ, камбағаллар учун оғирроқ жазо” деган нотўғри ва хавфли тасаввурнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, “чин кўнгилдан пушаймон бўлиш” ҳолатини баҳолашда ҳам объектив мезонларнинг йўқлиги яққол сезилади. Бугунги кунда суд залларида бу ибора кўпинча шунчаки навбатдаги расмиятчиликка, айбдорнинг жазодан қутулиб қолиш учун айтадиган андозавий сўзларига айланиб қолган. Шахснинг ҳақиқатан ҳам ўз қилмишидан пушаймонлигини ва унинг ички дунёсидаги ўзгаришларни аниқлайдиган психологик ёки ҳуқуқий механизмларнинг етишмаслиги, ушбу муҳим норманинг амалий қимматини пасайтирмоқда.

Айни пайтда жазо тизими олдида турган энг жиддий тўсиқлардан бири – бу жазонинг муқаррарлиги принципини тўлиқ таъминлаш ва унинг ижро этиш механизмларидаги техник ҳамда ташкилий бўшлиқлардир.

Ҳуқуқшуносликнинг олтин қоидаси шуни уқтирадики, жазонинг таъсир кучи унинг шафқатсизлигида эмас, балки ҳар қандай қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлигида намоён бўлади. Бироқ амалиётда бу тамойил бир қанча салбий омиллар сабаб ўз кучини йўқотмоқда.

Биринчи навбатда, коррупция хавфи ҳамон жазонинг ижтимоий олдини олиш функциясига раҳна солмоқда. Тергов ва суд босқичларида жазодан турли

¹³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. – Т.: Адолат, 2022. (Жазо тайинлаш амалиёти ҳақида).

йўллар билан қутулиб қолиш ёки уни сунъий равишда енгиллаштириш имкониятларининг мавжудлиги жамиятда қонун устуворлигига бўлган ишончни пасайтиради. Агар жиноят содир этган шахс қонунда белгиланган жазодан четлаб ўта олса, жазонинг нафақат тарбиявий, балки тийиб туриш хусусияти ҳам йўққа чиқади.

Юқорида қайд этилган тизимли муаммоларни бартараф этиш ва жазонинг ижтимоий фойдалилик коэффициенти ошириш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Ушбу жараёнда қуйидаги иккита стратегик йўналиш устувор аҳамият касб этиши лозим:

биринчидан, жиноят қонунчилигини янада либераллаштириш, бунда иқтисодий соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда, кўпроқ моддий санкцияларни қўллаш амалиётини кенгайтириш ҳаётий заруратга айланди. Бундай ёндашув нафақат давлат бюджетига етказилган зарарнинг қисқа фурсатларда қопланишини таъминлайди, балки тадбиркорлик муҳитининг барқарорлигини сақлаб қолишга ҳам хизмат қилади. Зеро, иқтисодий жиноятга нисбатан қўлланиладиган энг самарали ва адолатли жазо – бу айнан иқтисодий таъсир чорасидир;

иккинчидан, суд тизимини тўлиқ рақамлаштириш орқали инсон омилини минималлаштириш. “Ақлли суд” (Smart Court) тизимларини амалиётга кенг жорий этиш, жазо тайинлашнинг замонавий моделларидан фойдаланиш судьяларга қилмишнинг оғирлиги ва айбдор шахснинг хусусиятларини холис баҳолашда бебаҳо кўмакчи бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасига биноан, суд жазо тайинлашда нафақат қонун нормаларига, балки ижтимоий адолат мезонларига ҳам таянади. Ушбу жараёнда қонун чиқарувчи томонидан белгиланган учта асосий омил мажбурий тартибда ҳисобга олиниши шарт:

1. Жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси.

Суд ҳар бир қилмишнинг қандай шароитда содир этилганини, етказилган зарарнинг кўлами ва жиноят объектини (инсон ҳаёти, мулк ёки жамият манфаатлари) чуқур таҳлил қилади. Жиноятларнинг классификациясига (унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир) мувофиқ, тайинланадиган жазонинг юқори ва қуйи чегаралари айнан мана шу таҳлил асосида мувофиқлаштирилади.

2. Айбдорнинг шахсини ўрганиш.

Замонавий ҳуқуқий тамойилга кўра, жазо фақат содир этилган қилмишга эмас, балки уни содир этган инсонга ҳам берилади. Шу сабабли, суд мажбурий тартибда айбдорнинг ёшини (вояга етмаганлар ва кексалар учун қонунчиликда алоҳида имтиёзлар мавжуд), соғлиғининг ҳолатини, оилавий шароитини (қарамоғида фарзандлари ёки кекса ота-онаси борлиги) ҳамда муқаддам судлангани ёки йўқлиги каби муҳим жиҳатларни ўрганади.

3. Енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни баҳолаш.

Бу босқич жазонинг аниқ миқдорини белгилашда ўзига хос "ҳуқуқий тарози" вазифасини ўтайди.

Енгиллаштирувчи ҳолатлар (55-модда): айбни бўйнига олиш, чин кўнгилдан пушаймонлик, етказилган моддий зарарни ихтиёрий қоплаш ва жиноятни биринчи марта содир этиш каби омиллар жазонинг енгилроқ бўлишига хизмат қилади.

Оғирлаштирувчи ҳолатлар (56-модда): жиноятнинг ўта шафқатсизлик билан содир этилиши, хавфли рецидив, жиноий гуруҳ таркибида ҳаракат қилиш ёки ҳимоясиз аҳволдаги шахсларга (болалар ёки қариялар) қарши тажовуз қилиш жазони кескинлаштирувчи омиллар сифатида баҳоланади.

Хулоса ўрнида айтганда, жазо тайинлаш жараёни — бу шунчаки қуруқ математик ҳисоб-китоб ёки қонун моддаларининг механик ижроси эмас. Балки бу қонун руҳини инсон тақдири билан боғловчи, адолат ва инсонпарварлик тамойилларига таянган юксак ҳуқуқий маданият маҳсулидир. Зеро, қонун устуворлиги таъминланган жамиятда тўғри ва адолатли тайинланган жазо нафақат маҳкумни ахлоқан тузатишга хизмат қилади, балки халқимизнинг давлатга, қонунга ва ижтимоий адолатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Бу эса ўз навбатида, жиноятчиликнинг олдини олиш ва соғлом фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мустаҳкам кафолати бўлиб қолаверади.